

ЎҚ УЗИЛДИ, ЛЕКИН...

1991 йилнинг 29 мартда Чирчиқнинг 1-ўрамада (микрорайон) жойлашган жамоат тартибини сақлаш таянч пунктида ўқ овози эшитилди. Ўқни жиноятчи эмас, милиционер тўппончадан узди.

... Воқеа бундай бўлган эди. Токсикоманлар рўйхатидан ўрин олган, ҳеч қарерда ишламайдиган Анатолий Верховлёзовни 1-руҳий клиник касалхонасига юбориш мақсадида бу ерга таклиф этган катта участка инспектори милиция катта лейтенанти Нурмуҳаммад Истаев ҳужумга учради. Қутилмаганда Анатолий милиционернинг чап кўкрак қафасига пичоқни тиқиб олди. Не азобда оғриқни енгган Нурмуҳаммад ёнидан қуролини чиқариб, тажовузни давом эттирган Верховлёзовга ўқ узди.

Бир неча дақиқадан сўнг «Тез ёрдам» машинаси ик-

ки кишини зудлик билан касалхонага олиб кетди. Йўлда милиционерга ҳужум қилган жиноятчи-токсикоман ҳаётдан кўз юмди. Участка инспектори Нурмуҳаммад Истаев эса 29 мартдан 10 апрелгача ўлим билан олишиб, касалхонадан врачларнинг меҳрибончилиги туфайли соғайиб, бола-чақасининг олдига қайтди. Кейин қатнаб даволанди, кучга кирди.

Сўнгра... Прокурор унинг иши билан шуғулланиб, Истаевнинг қилган ҳатти-ҳаракатини буткул тўғри, деб топди. Қурол ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилгани таъкидланди.

Шундай қилиб Чирчиқ шаҳар ИИБ катта участка вакили Нурмуҳаммад Истаев оқланди. 31 ёшни қоралаган, 6 йилдан бери катта участка вакили бўлиб ишлаётган осойишталик побони ўз хизмат вазифаси-

ни давом эттира бошлади. Мен у билан учрашганимда, ҳаяжонланиб шундай деди:

— Қизиқ даврда яшаёмиз. Мени-ку оқлашди. Қонун мени ҳимоя қилди. Бунисига раҳмат. Лекин жароҳат олганлигим учун менга қонунда кўрсатилганидек тўлов (компенсация) берилиши керак эди. Аммо бунга кўрсатма берадиган азамат топилмади. Зора рўзномангиз қудрати туфайли бамайлихотир юрган раҳбарлар енг шимариб ишга киришса.

ҲАБИБУЛЛА ШОДИЕВ,
«Постда»нинг мухбири.

СУРАТДА: милиция катта лейтенанти Нурмуҳаммад Истаев аҳоли билан учрашув пайтида.

МУАЛЛИФ ОЛГАН СУРАТ. ТАҲРИРИЯТДАН: катта участка вакили Нурмуҳаммад Истаев хизмат вазифасини ўтаётган пайтда олган тажовузга учун компенсация олиш-олмалиги кинга боғлиқ?

Фикримни билдираман

Гап милициянинг ўзидами?

Кўп қаватли уй йўлагидан отилиб чиққан киши тахтадай қотиб қолди. Яп-янги «ВАЗ-2106» белгили «тойчоқ» гумдон бўлганди. Рангида ранг қолмаган жабрдийда у ёқдан бу ёққа зир югура бошлади. Анчадан бери йўлак бўсағасида гурунглашиб турган бекорчилардан сўраб-суриштирди. Улар лоқайдгина: «Билмаймиз»,— дея елка қисиди. Аслида эса болягина туппа-тузук кийинган, қадди-баси келмишган, буйдор йигитчининг ҳеч тортинмасдан, бемалол машинани ҳайдаб кетганини ўз кўзлари билан кўришганди. Ҳатто уларнинг бири қойил қолганча бош чайқаб: «...худди ўзиникидай ҳайдаб кетди-я»,— деб ҳайратланганди.

Машина эгасининг қиличи синиб, қалқони тешилиб, милиция идораси томон югурди. Навбатчи милиционерга йнглагандан бери бўлиб воқеани тушунтирди. Навбатчи эса унинг «дарди»ни кун давомида исзис йўқолган йигирма биринчи автомашиналар қаторига қайд этиб қўйди.

Олиб қочарлигининг бу қадар кескин кўлайиши ҳамманинг бошини қотириб қўйди. Ички ишлар ходимидан тортиб, машинасидан айрилган фуқароларгача газабда, Аммо чораси қайда?

Тошкент шаҳар ИИБ ДАН ходимларидан бири ушбу вазиятни куюниб шундай шарҳлайди:

— Энг кўп ўғирланадиган «ВАЗ-2106» автомашинасидир. Негаки, унинг эшигини очиб қулай, моторини калитсиз ўт олдириш ундан ҳам осон. Яна денг «ноль олтининг» барча эҳтиёт қисмлари, жиҳозларини ҳар қандай энгил машинага бемалол ўрнатиш мумкин. Ундаги бу афзалликлар олиб қочарларни ўз-ўзидан илҳомлантириб туради. Бунинг устига эҳтиёт қисмлар кинга керакмас, бозорда унинг нарҳи осмонда бўлса.

Унинг сўзларини эшитиб,


Луқмон БҮРИЕВ.

УЧАСТКА ВАКИЛИГА БИРИКТИРИБ ҚҰЙИЛСА

Жиноятни тез фурсатда очиб кўп жиҳатдан участка инспекторларига боғлиқ. Шунинг учун уларга зарур шароит яратиш керак. Ушанда ҳар бир фуқаронинг қандай нафас олаётганини беш паяксидек билади. Шу ўринда истеъфога нафақага чиққан милиция ходимларини уларга ёрдамчи сифатида бириктириб, биргалликда иш олиб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Чунки

улардан жуда кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Ҳозир янги қонун бўйича ходимларимиз 45-50 ёшидан нафақага чиқмоқда. Ва улар бошқа соҳаларда муваффақият билан иш фаолиятларини давом эттиришяпти. Нега энди уларни буйруқ билан участка инспекторларига ёрдамчи қилиб бириктириш мумкин эмас?

М. МАМАЖОНОВ.



Кўплаб жиноятларнинг илдизи спиртли ичимликлар, наркотик моддаларга бориб тақалади.

Биргина Жиззах вилоятида ўтган беш ой мобайнида спиртли ичимлик таъсирида содир этилган жиноятлар 20 фоз, ёшлар томонидан қилинган жиноятлар эса 25 фоз кўпайган. Жамоат жойларида ёшларимиз наша чекишда «ошкоралик»ка ўтгани ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

«Ажал уруғи»ни кўпайтирувчиларга қарши ўтказилган «Қорадори» операциялари яхши натижалар бермоқда. Бу йил унинг биринчи босқичидаёқ Бахмал тумани ҳудудида 12 минг 505 квадрат метр майдондаги кўкнори пайкаллари аниқланиб, йўқ қилинди. Уни етиштирувчилар орасида мансабдор шахслар, фирқа аъзолари бор. Қонунбузарларга нисбатан ЎзССЖ ЖМнинг 217-моддасига асосан жиноий иш қўзғатилди.

ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙСИН

Бу тадбирнинг ҳар йили мунтазам ўтказилишига аҳоли орасида тушунтириш ишларининг олиб борилишига қарамай ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпроқ кўкнори экинлари топилди ва тугатилди.

Тоғ ёнбағирларида парваришланган 13.587 квадрат метр майдондаги йўқотилган кўкноризор эгаларини эса аниқлаш жуда қийин бўлмоқда. Аниқланган тақдирда ҳам, уники эканлигини исботлаш машаққатли кечмоқда. Оқибатда биз тоғ беги ва тоғ бағри участка бошлиқларига ЎзССЖ маъмурий ҳуқуқбузарлик мажмуасининг 114-моддасига биноан 100 сўмгача жарима солишдан нарига ўта олмаймиз. Ўз ўзидан савол туғилади: «Наҳотки, тоғ беги ўзига тегишли ерга сепилган «ажал уруғи»нинг эгасини билмас?»

Йўқ, билишади. Эҳтимол, «шерик» ҳамдир. Шунинг учун гиёҳвандликка, уни етиштирувчи, тарқатувчи, сотувчиларга нисбатан жиноий жавобгарликни кучайтириш зарур.

Гиёҳвандликка қарши курашни кучайтиришнинг яна бир йўли милиция ходимларининг нарколог-врачлар билан ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашдир. Расмий манбааларга қараганда, мамлакатимизда 1600 минг гиёҳванд рўйхатга олинган.

Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат милициянинг, балки бутун халқнинг вазифаси, ҳуқуқий мажбуриятидир. Унга қарши кураш — бу жиноятни келтириб чиқариш заминига қарши курашдир.

А. САТТОРОВ,
Бахмал тумани ИИБ бошлиғи ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Пул эмас, ғурбат топди

Нажия опа ўзининг 60 ёшини нишонлаганига 2 йил бўлди. У шу йиллар давомида қийин кунларни ҳам, енгил нафас оладиган дамларни ҳам кўрди.

Туппа-тузук яшаётган эди, хотиржам эди. Энди бўлса...

Мана 2 ойдан ошди-ки, беҳаловатли куну тунлар унга ҳамроҳ. Сабабни ўзи билади. Билгани учун чуқур ух тортиб қўяди.

... Нима бўлди-ю, миясига меҳнат қилмасдан пул топиш фикри келиб қолди. Кўп уйламади. Шартта давлат нархи 60 сўм турадиган эркаларнинг чет элда тайёрланган кўйлакларидан бир нечасини таниш-билиш қилиб сотиб олди. Бу ҳам етмагандек, бугунги кунда дўконлар пештахталаридан ғойиб бўлган рангбаранг сигареталардан қути-кути харид қилди.

Кўчада ким кўп, пул топиб, ақл топмаганлар, тайинли меҳрибонлари йўлар кўп. Ушанақаларни чун тушираман, уларга 3-4 баравар қимматга пуллайман, — деб уйлади у.

Ишлар бинойидек кетаётган эди. Бироқ шу йилнинг 5 май куни харидор Алишер Жумановга 60 сўмлик кўйлаклардан 2 тасини 150 сўмдан пуллаётганида Қарши шаҳар ИИБ ВХСС ходими милиция майори Умар Эшқобилов томонидан ушланди.




Унинг сумкаси текшириб кўрилганда, яна 2 дона кўйлак, 40 пачка «Астра», 20 пачка «Мовий гумбаз» сигареталари чиқди.

Нажия опа ялинди, ёлворди. Бўлмади. Уни ички ишлар бўлимига олиб ке-

лишди. Ҳозир Қарши шаҳридаги 4-ўрамда яшовчи 62 ёшли Нажия опа Аблязова тақдирини ҳал этадиган ачиқ саволларга жавоб бериш билан банд.

Мурод МАҚСУД.



СУРАТЛАРДА: 1. ВХСС катта оператив вакили милиция майори Умар Эшқобилов ва суриштирувчи милиция майори Бегимқул кечиряптилар. 2. Мусодара қилинган ашёвий далиллар. Жавкачев фуқаро Нажия опа Аблязовадан тортиб олинган кўйлакни кўздан Муаллиф олган суратлар.

Бу жиноят эмасми?

Узини дунёдаги энг бахтиёр инсон деб ҳис этган болани кирза ботинка ва қоп-қора маҳбус кийимига кўриш нақадар оғир. Афсусланарли жойи яна шундаки, ёшлар тергов ҳибсхонасига тушганларидагина нима иш қилиб кўйганликларини англашмоқда. «Нима учун жиноятга қўл урдинг?» — деб сўрасангиз, у гўдакларча: «Билмай қолибман, бошқа бўлмайди», — деб жавоб қилади. Улар нимани «билмай» қолишди экан? Қонун-қоида борлигиними ёки шу қонун ўзларига ҳам тегишли эканлигиними? Эҳтимол, бу саволга ҳафсаласиз ўқитувчи ёки ўз бурчини сунистеъмом қилган ота-онадан жавоб истармиз!

Тергов ҳибсхонасига яқиндагина келтирилган Аҳдам исмли йигитча билан суҳбатлашганимда, у дастлаб кўр-

қув аралаш менга ва чор атрофига қарайверарди. Лекин чин дилдан суҳбатлашаётганимни сезгач, дарду ҳасратларини айта бошлади. Маълум бўлишича, у кўп фарзандли оиладан экан. Аҳдамнинг отаси шофёр, онаси эса фаррош. Оиланинг иқтисодий аҳволи яхши бўлмаган. Аҳдам охирига пайтларда мактабга сабабсиз бормай қўйган. Лекин бу ҳеч кимни қизиқтирмаган. Кейин у майда ўғирлик қилиб кўрди... Охир-оқибат ўзи ўқийдиган мактаб ошхонасидан пул ўмариб, қўлга тушган...

Тошкентлик Игорни эса Қарши шаҳридаги ахлоқ тузатиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган амакиси ўз домига тортиди. Чунки Игорь уни кўргани бориб, ичкарига наркотик модда ташлаётган пайтида қўлга тушган. Тўғри,

у ҳозир қилмишидан жуда пушаймон. Бироқ отаси йўқлигидан, онаси ва ўзи ўқиган билим юртининг бепарво ўқитувчилари қўлида тарбияланганидан афсусланмоқда.

Афсуски, тергов ҳибсхонасига олиб келинаётган ўсмирларнинг кети узилмаяпти. «Нима қилсак, бунга чек қўя оламиз!» деган савол ҳамон жавобсиз қолмоқда. Шу ўринда мени бир нарса қийнайди. Қачонгача биз фақатгина жиноят содир этган болани қамаш билан чекланамиз-у, уни жарга итарган кимсаларни ҳаспўшлаш билан овора бўламиз. Ахир, ўшалар эмасми, навниҳолни парваришlash ўрнига унинг илди-зига болта ураётганлар. Наҳотки, буни жиноят ҳисобламаймиз?!

Чори САТТОРОВ,

Қарши шаҳар тергов ҳибсхонасининг катта йўриқчиси ички хизмат капитани.

Ҳукмни халқ чиқарсин

Ер юзиде одамзот пайдо бўлибдики, у икки тоифага бўлиниб келган. Яъни халқ ибораси билан айтганда, яхшилар ва ёмонлар. Ёмонлар орасида яна шундай зотлар борки, уларни ёвузлар, деб аташади. Бироқ ҳар қайси тоифадагилар ўзларини шундай эканликларини тан олишмайди. Аммо оқни оқ, қорани қора дегувчи ҳақиқат бор.

Навоий шаҳар ички ишлар бўлимида бошлиқ ўринбосари милиция подполковниги Инна Баталова билан бўлган мулоқотимизда у бир ёвузликни фош этган мард йигит — жиноят қидирув бўлимида оператив вакили Бахтиёр Саидовнинг зукколигини фахр билан тилга олди.

— У билан суҳбатлашишнинг иложи борми? — дедим қизиқиб.

— Албатта, — дея бошлиқ ўринбосари жиноят қидирув бўлимига кўнғироқ қила бошлади.

Буни қарангки, ярим тун бўлишига қарамай бўлинмада иш давом этаётган эди.

Кўп ўтмай эшик қия очилиб, қорачадан келган бир йигит киришга рухсат сўради. Биз йўқлаган милиция катта лейтенанти Бахтиёр Саидов шу экан. Мен у билан танишгач, ўта хавфли жиноятчиларни қандай қилиб қўлга туширганлиги ҳақида сўрадим.

— Оператив йўл билан, — деди. Сўнгра қўшимча қилди. — Қотиллар ҳақида ёзаверинг, лекин бизни мақтаманг.

— Нима учун? Ахир, номиншонсиз ғойиб бўлган жиноятчиларни излаб топгансиз, мақташга арзийсиз.

— Тўғри, мен ҳамкасбларим ёрдамида уларни зарарсизлантирдим. Бироқ, жиноят содир бўлган ва икки беғуноҳ киши ваҳшиёна ўлдирилган.

— Бунда сиз ҳам ўзингизни айбдор, деб биласизми?

— Жиноятнинг олдини олиш барчанинг иши, шу жумладан менинг ҳам.

— Сиз ҳақсиз. Бироқ қонунбузарликка чек қўйиш учун бир неча кишининг кучи камлик қилади. Бордию кимнингдир совуққонлиги оқибатида нохуш воқеалар содир бўлаётган экан, бу уларнинг виждонига ҳавола. Энди қотиллик тафсилотлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўша кунни мен навбатчиликда эдим. Самарқандлик ҳамкасбларимиз кўнғироқ қилишди. Шаҳар кўчасида хизмат вазифасини бажараётган ДАН инспектори Г 8405 НВ рақамли «ВАЗ-2106» белгили автомобилнинг текширмоқчи бўлганда, ҳайдовчи «Жигули»ни ташлаб қочибди. Бизда эса айнан шу улов билан бедарак йўқолган Облоқул Тоиров ҳақида ариза бор эди. У ширкат аъзоси бўлиб, ишдан бўш вақтларида машинасида тирикчилик қилар экан. Мен зудлик билан Самарқандга отландим ва ярим тунда ИИБга етиб келдим. Машинани кўздан кечирганимда, жиноят алб-матлари кўринмасди. Бироқ инспектордан қўрқиб қочиб кетган номаълум кишидан шубҳаланмай иложи йўқ эди. Қисқа вақт ичида бир неча бор Навоийга бориб келишга тўғри келди. Орадан кўп ўтмай икки киши шахсини аниқлашга муваффақ бўлдим. Улар 1954 йилда Бошқирдистонда туғилган Малик Гараев ва андижонлик Саъдулло Фалтаоҳуновлар эди. Икковлари ҳам икки мартдан судланган. Ажабланарли жойи шундаки, биздаги маъ-

лумотларга кўра улар айна пайтда шартли равишда озодликка чиқарилган бўлиб, Учқудуқ шаҳри ҳудудида тегишлича жазо муддатини ўтаётган эдилар. У жой билан алоқа боғлаганимиздан кейингина ҳамма нарса маълум бўлди. Бу икки маҳбус бир неча кун аввал у ердан қочишган экан. Менга тез орада Навоий шаҳар ички ишлар бўлимида катта оператив вакил милиция капитани В. Федотов, оператив вакиллар милиция капитани Ж. Ғиёсов ва милиция лейтенанти Р. Ражабов ҳамда давлат автомобиль назорияти қидирув ишлари бўйича инспектори милиция лейтенанти А. Назаровлар ёрдамга етиб келишди. Биргалашиб қидирувни давом эттирдик. Натижада ўша куннинг ўзида назаримизга Самарқанд шаҳридаги бир хонадон тушди. Маҳбуслар ўша ерда бўлиши мумкин эди.

Биз уйлагандек бўлиб чиқди. Ўша хонадонда Гараев ва Фалтаоҳуновларни қўлга туширдик.

— Нима учун одам ўлдиришган?

— Улар тил бириктириб 24 май кунини ўша жойдан қочиб кетадилар. Мақсадлари эса пул топиш бўлган. Навоий шаҳридаги автобекатга келиб, Облоқул Тоировдан пионер лагерига элтиб қўйишни илтимос қилганлар. Шу йўл билан уни кимсасиз ерга бошлаб бориб, бўғиб ўлдирадилар. Ўлдирганда ҳам ёвузларча. Гараев аввалдан тайёрлаб қўйган сиртмоғини Тоиров томоғига ташлаб бўға бошлайди. Фалтаоҳунов эса жони чиққунча бечоранинг қўлларини маҳкам ушлаб туради. Ваҳшийларнинг муроди ҳосил бўлгач, мурдани ўша жойга кўмишади. Ўзлари ўлжа олинган машинага ўтириб, Самарқандга қараб равона бўладилар. У ерда Гараев «Жигули»га харидор қидириш дардида юрганда, инспекторга дуч келади. Сўроқ пайтида яна шу нарса аниқландики, бу жиноий гуруҳ 6 май кунини ҳам шундай қабих ишга қўл урган экан. Улар ҳайдовчи Сайфулло Шукуровни ўлдириб, жасадни ариқ ичига ташлаган. Унга тегишли бўлган «Москвич» автомашинасини Самарқанд шаҳрида бир кимсага сотиб юборганлар.

— Харидор ҳам суриштирмай машинани олаверган экан-да?

— Йўқ, жиноятчилар харидорни алдаганлар. Улар келишилган пулни 5000 сўминигина олиб, машинани унга беришади. Қолганини эса эртасига ҳужжатларни олиб келишгандан кейин ҳисоб-китоб қилишларини айтиб, жўнаб кетишади.

— Харидорни лақиллатишдида?

— Ҳа, содда кишига мўғомбир дуч келганда, шундай бўлиши ҳеч гап эмас.

— Бахтиёр, ҳамкасбларингиз билан бир неча кун тиним билмай оғир жиноятни очгансизлар. Бордию сизга Гараев ва Фалтаоҳуновларни жазолаш ваколати берилганда, уларга қандай чора қўйлаган бўлардингиз?

— Содир этилган жиноятни очиш — бизнинг хизмат бурчимиз. Уларни жазолаш масаласига келсак, мен шахсан халқ ҳукмига қараб иш юритган бўлардим. Чунки бир умр одамлар орасида яшаб, уларга ёвузликни раво кўрган кимсалар халқ олдида жавоб беришлари шарт.

Исмоил МИНАВВАРОВ.

ЭГРИ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ёмон одам тўймас, ёмонлигини қўймас

Акбар ва Абдорларнинг ёшлари ўртасидаги фарқ анча катта. Нақ 12 йил. Шунга қарамай уларнинг савдоси бир пайтда юришиб кетди.

Этибор беринг-а... Акбар Жиззах шаҳар «Ўзагроқурилиш» бирлашмасига қарашли ишчилар таъминоти бўлимнинг 3-аралаш моллар дўконига 1989 йилнинг 26 июнидан, Абдор эса 5-аралаш моллар дўконига 1989 йилнинг 26 августидан мудирлик қила бошлади.

Ҳар иккиси ҳам ундаги молларни худди ўзининг хусусий мулкидек қабул қилди. Кўрмаганга кўрсатсанг, кўк эшакка минади, деганларидек, савдодан ташаётган пуллар уларнинг кўзларини бежо қилиб, ҳаловатини бузди. Ҳамкасблар 1990 йилнинг март, апрель, май ойларида савдо пулларини кассага ўтказмай, кассага уришга одатландилар.

Акбар Носиров номли жамоа ҳўжалигида яшовчи отасининг ҳовлисида данғиллама уй қурилишини бошлаб юборди. Иморат кўтарилгани сайин унинг иштаҳаси очила борди. Дўконни битмас-туганмас хазина манбаи деб билган Акбар танишлари, қариндош-уруғларига ҳам тантилик қила бошлади. Тез-тез «бешкеча», «гаштак» каби зиёфатлар уюштириб, ўлгудек ичадиган бўлди. Бели қайишиб топмаган пулларга ичимлик сувдайин оқди.

1990 йилнинг январидан Абдорга 450 сўмлик 18 кўти новотни, февралда 1250 сўмлик «Вега» сigaretини, мартда 1056 сўмлик вино ичимлигини ҳеч қандай ҳужжатсиз бериб юборди. Акбар билан

Абдор бир қориндан талашиб тушишмасида, қонидаги иллат бир хил экан. Бу ойларда Абдорнинг ҳам сахийлиги кўзиди. Мен сендан қоламанми дегандек, январда Мирзачўл туманилик таниши И. Қўзиевга 6641 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини қороз-поғозсиз тутқазди. Хотамтойи ҳам ҳозирги тақчиллик пайтида бундай мардликка ўйлашиб қўл урган бўларди. У ҳар ойда давлат ҳисобидан садақа улашишни одат қилди. Февралда А. Йўлдошевга 2.000 сўм, Ш. Қодировга 700 сўм, мартда А. Ҳантбоевнинг дўписига 1.300 сўм ташлади. Қоронғуда топширганларнинг қинғирликлари деярли бир вақтда бошлангани қизиқ.


Шу йўсинда Акбар 16.366 сўмни, Абдор 28.306 сўмни ўзлаштириб юборган.

ИИБ ходимлари Абдорнинг кошонасини зиёрат қилганларида, унинг ғалати ишқибозлигини аниқладилар. Абдор савдодан тушган пулларни беш, ўн, юз, эҳтимол, минг баробар кўпайтириш мақсадида кўп миқдорда «Спортлото», «Спортпрогноз», пул-буом лотереяларини сотиб оларкан. Текширилганда 6.000 сўмлик «бахт» куши кўнмагани учун бурда-бурда қилиб ташланган қороз тўрлари чиқди. 7.715 сўмлиги эса ўлжасини кутиб ётарди.

Уларку жазосини тортади, аммо бунга шароит яратиб берган ушбу таъминот раҳбарлари-чи?

«Ўзагроқурилиш» бирлашмаси раҳбарлари бурниларининг остида бўлган бу талончиллик наҳотки кўришмаган бўлишса?!

М. ИБРОҲИМОВА.



МУАЛЛИМНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ-У...

Мактабларда сўнги кўн-ғироқ чалиниб, унинг ҳовлиси болалар қий-чувидан анча бўшаб қолган. Уқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам зўр бериб имтиҳонларга тайёргарлик кўришмоқда.

Қува туманидаги 25-мактабда 29 май куни эрталабдан таратилди. Муаллимларнинг ҳаяжони болаларникидан кам эмас. Соат 10 да имтиҳон бошланди. Устозлар синф хоналарига киришди. Уқувчилар эса йўлакларни тўлдирганларича тинмай китоб varaқлашади.

Шўҳрат ҳамма ўз-ўзи билан бандлигидан фойдаланиб, мактабнинг орқа томонига ўтди. Деразани қиялаб очди. Синф хонасига олиб тушаркан, гул тувагини туртиб юборди. Ҳамкасби Муборак Усмоновнинг сумка-

сидаги 685 сўм маошини умарди-ю, ғойиб бўлди.

Пулнинг эгаси Д. Сайдалиева билан адабиёт хонасига кириб келишганда, полда чил-чил синган гултувак ётарди.

— Нима бало, ўғри кирганими? — ҳазиллашди Дилором.

— Бу ердан нимани ҳам ўғирларди?

Кўп ўтмай ҳазил чин эканлиги маълум бўлди. Воқеадан хабар топган О. Раҳматовнинг эсига Ш. Усмоновнинг мактабдан эрта кетиб қолгани тушди. Шўҳратни Қува шаҳар марказидан топишди. Уғри муаллимни олиб қайтишгаётганларида, милиция ходимлари уларга пешвоз чиқдилар.

М. ИСРОИЛОВА.

Муҳаммади Жовлиевни Қарши шаҳар ИИБдаги ҳамкасблари ўзгача ҳурмат билан тилга оладилар. У 20 йилдан буён милиционерлик касбига доғ туширмай, ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда участка вакили М. Жовлиев ўз ҳудудидаги аҳоли билан алоқани мустақамлаш, уларни жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ишига жалб қилиш мақсадида мунтазам суҳбатлар ва учрашувлар ўтказиб туради.

СУРАТДА: катта участка вакили (чапда) М. Жовлиев фуқаролар Р. Боймуродов ва Н. Ирдановлар билан мулоқотда.

Сурат муаллифи Ҳабибулла ШОДИЕВ.

Фидойи инсонлар ҳақида ҳикоялар

КАМТАРГА КАМОЛ

Милиция катта лейтенанти Раҳмонли Қурбоновни анчадан бери биламан. Бешариқ шаҳрида участка вакили бўлиб ишлайди. Ута хушчақчақ, айни пайтда камтар, мулоим йигит. Қабулгига келган ҳар бир фуқарони, кимлигидан ва ёшидан қатъий назар, очиқ чеҳра билан кутиб олади, самимий табассум билан кузатиб қўйишга ҳаракат қилади.

Бошқа вилоят ва туманларда оқоинчиликни муҳофаза этаётган яна бир қатор яқин танишларим бор. Аксарият ҳолларда улар жиддий ва камгап, вазмин кишилар. Шундай бўлиш кераклигини касбимиз тақозо қилади, дейишади. Уларнинг фикрича, участка вакили қаршидада ўтирган фуқаро билан ўртада муайян бир масофани сақлаб туриши керак.

Участка вакили сифатида кимнинг тутган иши тўғри? Узоқ суҳбат давомида бу ҳақда Киров тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги М. Бойматовдан сўрадим.

— Саволингизга жавоб қилиш чиндан ҳам мушкул, дейди Муҳиддин ака бир оз ўйланиб. — Чунки маълум бир участкада тартиб-интизом ўрнатилиши борасида ҳар бир вакилнинг ўз услуби бўлади. Пировад натижа эса ўша участкада оператив вазиятнинг кечими билан ўлчанади. Лекин, шахсан ўзимга қолса, Р. Қурбонов иш услубига хайрихоҳман.

— Милиция ходимининг кўнгилчанлиги баъзи ҳолларда қонунбузар ҳисобига фойда келтирмасмикан? — дея

Анваржон Рўзमतовдан сўрайман.

— Мен ҳам бир вақтлар Рапқонда участка вакили бўлиб ишлаганман, — дейди Анвар ака. — Сиз маълум маънода ҳақсиз, Лекин Раҳмонли кўнгилчан бўлса-да, айни пайтда қатъиятли йигит.

Кейин у шу йил бошида рўй берган бир жиноят ва унинг очилиши ҳақида сўзлаб берди.

19 январь кунига ўтар кечаси момиқ фабрикасида ўғирлик содир бўлди. Тунги соат учларда милиция катта лейтенанти воқеа жойига ошиқди. Бундай пайтда шошилиш керак, акс ҳолда кўп нарсани бой бериш мумкин. Маълум бўлишича, номаълум шахс қоровулнинг кўзини шамгалат қилиб, уч той пахта олиб чиқиб кетган. Ҳар бир тойнинг оғирлиги 60 килограмм. Энг муҳими тиббиёт соҳасида ишлатиладиган бу пахта кўпгина шифо масканларида ақсонинг уруғи эди.

Участка вакили жиноят содир бўлгандан кейин зудлик билан етиб келганга қувонди. Чунки шу кеча қор ёққан, кўчадан одам ўтмаганлиги учун кўзни қамаштиргудек оппоқ ва тоза эди. Уғрининг ва у етаклаган аравачининг изи тўппатўғри Иттифоқ қишлоғига олиб борди. Тонготарга яқин терговчи А. Рўзमतов ва участка вакили Р. Қурбоновлар Шермет Иброҳимовнинг дарвозасини

тақиллатишди. Аниқланишича, шу қишлоқлик Фахриддин исмли йигит ўғирланган пахта-ни молхонасига яширган экан.

— Тўғриси айтганда, милиция ходимига ўз юртида ишлаш бир жиҳатдан қийин, — дейди суҳбатдошим ҳикоясини якунлар экан, — бир жиноятни очиш жараёнида кўплаб таниш-билишлар ўртага тушади. Уларнинг гапига қараб десанг, қонунчи оёқ ости қилган бўласан, кирмай десанг, кўздай яқин кишининг сазасини ўлдириш...

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Лекин Раҳмонлининг қатъиятлилигига қойил қолдим. У ўртага тушганларга аввало қонунни, кейин улар билан ўртадаги муносабатни қарлашни силлиқ қилиб тушунтирди. Пахта ўғирлари қилмишлари суд томонидан муносиб баҳоланди.

Бу суҳбатлардан кейин ҳаёлимда яна бир-бирига қарама-қарши фикрлар чарх ураверди. Ахир, бир пайтнинг ўзиде ҳам қонунбузарга чора кўриш, ҳам бошқаларнинг ҳурматини қозониш мумкин эмас. Чунки, табиий ҳол, юқоридеги каби кўпчилик билиб-билмай, воқеанинг моҳиятини тушуниб-тушунмай қонунбузарга раҳм қилишни сўрайди. Уларнинг гапи ерда қолгандан кейин қандай қилиб яна участка вакилини ҳурмат қилсин? — Бу энди участка вакили-

нинг маҳоратига боғлиқ, — дейди ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани Йўлдошали Ҳусанов. — Агар у бошқаларга қонунбузарликнинг манбаи ва оқибатини қонун асосида тушунтира олса, кўпчилик маъқуллайди. Керак бўлса, ўшандай шахсларни тарбиялаш борасида ёрдам ҳам беради. Чунки халқимиз оқил, одил ва доно, ориятли ва дённатли.

Орадан бир неча кун ўтгач, ана шу давра суҳбатидан олган таассуротларимни Раҳмонли Қурбонов билан баҳам кўрдим. Дастлаб у бир оз ўнғайсиз аҳволга тушди, хиёл қизарди. Кейин ўзининг бу ҳолатини аския билан яширмоқчи бўлди.

— Бошлиқлар, ҳамкасблар мени роса мактаб, оз бўлмаса осмон-фалакка чиқариб қўйишибди. Пастга қандай тушаман энди?

Лекин мен унинг ҳазилини жиддий савол билан бўлиб қўйдим.

— Бир йилдан бери шу ерда участка вакилиси. Бирор марта бўлса ҳам қонундан четга чиққан пайтларингиз бўлганми?

Суҳбатдошим узоқ ўйланиб қолди. Негадир хомуш тортиди. Кейин тўғрисида тан олиб қўя қолди.

— Шундай ҳолат бўлган. Бир аёл, агар майли десангиз, исм-шарифини айтмай қўя қолсам, чунки уларга ҳам, мен-

га ҳам ноқулай бўлади, қабулимга йиғлаб кирди. Чап қоғоғи кўкарган. Турмуш ўртоғидан шикоят қилди. «Кейинги пайтларда хурмачага сизгайдиган қилиқлар чиқарди, кеча эса роса дўппослади, бирикки кун қамаб қўймасангиз бўлмайди», — деб айтди. Унга бу иш билан жиддий шуғуланишга ваъда бериб, кузатиб қўйдим.

Қонун бўйича бу ишни ҳужжатлаштириб, хотини кишига қўл кўтарган эркакка нисбатан тегишли чора кўриш керак. Лекин, ростини айтман сизга, бундай қилишга ҳеч ботинолмадим. Урталарида иккита фарзандлари бор. Жазосини олган эр мени милицияга айтиб қаматтирган хотин билан яшамайман, деб ажрашса, ўша болаларга жабр бўлади. Манглайга тирик етим деган тамга босилади. Шу томонларини ўйлаб, кечкурун уларниқига фуқаро кийимида бордим. Эрни алоҳида чақириб олиб, билганимча насиҳат қилдим. Кейин бу ҳол яна такрорланадиган бўлса, бирор чора кўришга мажбур бўлишимни айтиб огоҳлантирдим.

Орадан икки ҳафталар ўтгач, яна уларниқига кириб бордим. Остонадан ўтишим билан ичкаридан ҳазил-мутойиб гапларни эшитдим. Улар мени кўриши-ю, қувонч билан қарши олишди. Нега келганимни ҳам сўрамай, ўша аёл ош дамлашга кирчишиб кетди. Дарвоқе, яқинда уларни янги дунёга келган учинчи фарзанд билан кутлаб қайтдим.

Раҳмон АЛИ.

ҚАРШИ чўлини ўзлаштириш Бутуниттифоқ миқёсида олиб борилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу дашт бағрида ташкил этилган шахарлар, касабалар ва қишлоқларда маҳаллий миллат вакилларида ташқари ССЖИнинг турли ҳудудларидан келган турфа миллат ва элат вакиллари ҳам яшашмоқда. Албатта, улар орасида «келганди», «дайдилар» ҳам йўқ эмас. Шу боисдан бўлса керак, кейинги йилларда чўлларда ташкил этилган туманларда жиноятчилик кескин ошиб кетди.

Нишон туманига қарашли «Ширинобод» давлат хўжалигида Светлана Валиева, Михаил Курзьяков, Геннадий Артамонов ин қуришди. «Ин» деганимизнинг сабаби бор. Улар хўжаликнинг 6-бригадасига қарашли ертўлада яшашарди. Буни хўжалик раҳбарларидан тортиб, участка инспектори Нормурод Омонов ҳам биларди. Бироқ текин ишчи кучи кераклиги учун индашмасди.

Уларнинг қайси бири эр, аёл зотининг эса қайси эр-накка хотин эканлиги ҳам номаълум. Ўтиш-туришлари ҳам ибтидоий. Бригадирнинг димоғи чоғ. Чунки ҳар-ҳар замон ароқхўрлар тўдасига бир-ники шиша вино бериб, уларни ўз даласида ишла-тади.

1988 йилнинг қишида ҳам «тўда» бирга эди. 27 декабрь тунда Геннадий бехосдан йўқолиб қолди. Михаил эса бригадирга ҳам, участка инспекторига ҳам, бошқа сўраганларга ҳам бир хил жавоб айтди: «Гена Россиянинг қайсидир бир бурчагига кетиб қолди. Ҳатто қаерга кетганлигини ҳам



айтмади. Адрес ҳам қолдирмади». Шу билан Артамонов зим-зиё, беиз йўқолди. Уни ҳеч ким изламади, ҳеч ким суриштирмади ҳам. Лоақал шу ишларга, тўла масъул ҳисобланган бригадир С. Мустақимов ёхуд участка инспектори ҳам ертўлани бирров кўздан кечирмади. Гўё М. Курзьяковнинг гапига шубҳа йўқ эди. Геннадий эса ҳудудсиз Россиянинг қайсидир киши билмас томонларига «кетиб» қолганди. Шу билан «дайди»лардан

бирининг чўлдаги сафари қариганди. Ва, ҳатто М. Курзьяковнинг олдин ҳам судланганлиги, икки эркак бир аёл билан ертўлада ётганида жанжал чиқиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Қорлар ёғди, излар босилди. 1991 йил ҳам етиб келди. Ўтган вақт давомида М. Курзьяковнинг виждони заррача бўлсада азобланмади. Ёлғон гапига лаққа тувчилар устидан кулиб, Светлана билан ҳузур-ҳаловатини қилиб юраверди.

Ҳа, муқаддам судланган Михаил Курзьяков учун одам ўлдириш ҳам жўнгина иш туюлди. Худди - ўша 1988 йилнинг 27 декабрь кунини учовлон уч шиша вино ичишди. Сўнгра Михаил далага чиқиб кетди. Қишнинг изгирини ҳам унга қор қилмади. У шу яқин ўртадан йўғон арматура бўлакчасини топиб олди. Ва шу пайт хаёлига қабиҳ бир ўй келди: «Артамоновни уриб ўлдираман!»

Улар орасида қандай воқеа бўлиб ўтганлиги «сир». Бироқ Курзьяков шу дақиқа ҳамроҳини ўлдирмоқни ният

қилиб арматура бўлагини қўлда тутиб ертўлага тушди. Ширанайф ҳолатда шеригига яқинлашди. Иккови ўртасида жанжалнинг нимадан келиб чиққанлиги ёлғиз эгамга аён. Хуллас, қабиҳ ният амалга ошди. Артамоновнинг бошидан оққан қонни кўриб, унинг яна ғайирлиги тутиб кетди. Энди ниятни охиригача амалга оширишни дилгата тутди. Шу ерда турган ошпиноқни қўлига олиб, Артамоновнинг кўкрагига санчди.

Даҳшатни қарангки, қотил бу билан тинчимади. Жасадни ташқарига олиб чиқди. Сим топиб мурдани боғлаб, бир чақирим узоқликка судраб борди. Сув ювиб кетган чуқурроқ ўпқонни топиб, мурдани кўмиб ташлади.

Орадан бир кун ўтди. 28 декабрь кунини Курзьяков бегоҳатлана бошлади. Чунки ҳар қандай юраги тош одам бўлсада, қон тўкса туролмайди. Артамоновнинг қони тортдими ёки ўзининг яна бир қабиҳ нияти бормиди, у мурда кўмилган ўпқон бошига келди. Сим боғлаб жасадни тортиб олди. Устига солярка сепиб, мурдани ёқ-

ди. Кейин чуқурроқ ўпқон излаб топди. Уч ярим метр чуқурликдаги ўпқонга олиб бориб, Артамоновнинг ҳокитуробини ташлади-ю, устини кўмди. Ана шундан сўнггина унинг кўнгли тинчиди. Сўраганларга: «Артамонов Россиянинг қайсидир бурчагига кетди», — деб қўяқолди. Чунки у ўзига ишонарди. Мурда кул бўлиб ёниб кетганди-да.

Қишнинг ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек. 1991 йилнинг 18 мартда ушбу қотиллик билан боғлиқ фожиали ўлим тафсилоти очилди. Воқеа жойлари кўздан кечирилганда, далиллар ўз исботини топди. Курзьяковнинг ўзи ўпқонни кавлаб, жасаддан қолган суякларни, симларни топиб берди. Судитибийёт хулосаси ҳам Курзьяков айбини тўла-тўқис тасдиқлади.

Яқинда мажкур қотиллик иши Нишон тумани халқ суди томонидан кўриб чиқилди.

Судланувчи Михаил Петрович Курзьяков — 1955 йил 19 сентябрда Ставрополь ўлкаси, Павловск хutorида туғилган. Миллати рус. Муқаддам Туркменистон ССЖ ЖМнинг 155-моддаси 2-банди билан судланган. Бўйдоқ. Яшаш жойининг тайини йўқ, дайди.

Шундай қилиб, яна бир «дайди»лар тўдаси бошлиғи М. Курзьяков Ўзбекистон ССЖ ЖМнинг 81-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилди.

Раҳим ОЙМАМАТОВ,
Нишон тумани прокуратурасининг терговчиси.
Жалол ЯХШИБОВЕВ,
журналист.

ТУРМУШ САВОҚЛАРИ

Хотини бекатда нотаниш йигит билан гаплашиб турганини кўрган Каримнинг кўнглига шубҳа тушди. Ма-на у негадир жиммайганча йигитга қўл узатиб, уни сиқаяпти. Бирдан жуда хурсанд бўлиб кетди.

Муҳайёнинг ишдан келишини сабрсизлик билан кутган эр унга юзланди:

— Юр, ота-онангникига борамиз.

— Кечагина бордик-ку. Ишингиз бормиди, майли.

Аммо Карим уни уйининг эшиги ёнида қолдирди-ю, изига қайтди.

— Энди қайтиб бормайсан.

РАШК

Муҳайё анграйганча қолаверди.

Хайриятки, маҳалладаги фаоллар орага тушиб, гап нимадалигини сўраб-суриштиришди.

Муҳайё гаплашган йигит аммасининг ўғли бўлиб чиқди. У ўша кунни лотерея паттасига «Жигули» автомашинаси ютганини айтганда, Муҳайё чин юракдан қутлаган экан.

Агарда маҳалланинг жонқуярлари, олийжаноб, турмушнинг аччиқ-чуқунини тогган кишилари бўлмаганда, бир оила рашк баҳона дарз кетарди-я...


Маҳкам ҲАКИМОВ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Ленин туманидаги 125-ўрта мақтаб тугаллаганлиги ҳақида Расулов Бахтиёр Рустамович номинга 1987 йили берилган ўрта маълумот тўғрисидаги Д 147129 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АКТЁР БИЛАН УЧРАШУВ



Севимли актёр, жумҳурият халқ артисти Шухрат Эргашевнинг номини эшитганда, кўпчилик тадбиркор оператив ходимини кўз ўнгига келтиради. Бунга сабаб у милиция фаолиятига боғлиқ жуда кўп ролларни маҳорат билан ижро этган. Яқинда ЎзССЖ ички ишлар вазирлигида осойишталик посбонлари ўзлари ихлос қўйган актёрни қарсақлар билан кутиб олдилар. Учрашувда Шухрат

Эргашев кино санъати бўйича милиция ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

И. МИНАВВАРОВ.

СУРАТДА: ЎзССЖ ички ишлар вазирлиги фирқа қўмитаси котиби милиция подполковниги Б. Муқимов Ш. Эргашевга эсдалик совғасини топширмоқда.

Суратни
Ольга ЖУРАВЛЕВА
олган.

◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ

ЎЗГАРИШ БЕЛГИСИМИ?

«Пахтакор»нинг биринчилик жадалдаги ўрни «Металлист» (Харьков) жамоаси билан бўлган ўйин руҳини белгилаб турди. 8-дақиқадаёқ Квиткаукас ҳисобни очди, 43-дақиқада эса Қосимов бурчакдан тепган тўп меҳмонлар дарвозабонини доғда қолдирди.

Уйининг иккинчи бўлимида меҳмонлар мағлубиятдан қутулишга уринишди. Пахтакорчилар ҳам бўш келишмади. Якуний ҳисоб 4:2 билан «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди. Айтинг-айтинг, бу ғалаба яхши ўзгариш белгиси бўлинди!

З. СОДИҚҲУЖАЕВ.

«Қорадори—91»

Ошхонадаги нашазор

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Охунбобоев номли шўро хўжалиги бригадирини — Ғаллакор қишлоғида истиқомат қилувчи Элмирза Алиев бойликка ҳирс қўйганлардан чиқиб қолди. Бўлмаса топган-тутганига қаноат қилиб, тинч яшаб юрарди. У пул топишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. Уйдаги узунлиги 5 метр, эни 3 метр келадиган ошхона ичига наша уруғла-

рини қадади. Энди ҳосилини йиғиштириб оламан деганда, туман ИИБ ходимлари унинг сирли ҳаракатларидан воқиф бўлиб қолишди.

Табийки, ошхонадаги нашазор йўқотилди. Элмирза Алиев агар заҳарли ҳосилни йиғиштириб олганида эди, бир неча минг сўм фойда оларди. Устига устан қанча одамнинг умрига зомин бўларди.

Ҳабиб ШУКУР.



Суратда: туман ИИБ бошлиғи милиция майори Сиддиқ Хонкелдиев ва оператив ишлар бўйича унинг ўрибосари милиция. майори Аб-

дураззоқ Норқўзиевлар Элмирза Алиевнинг «деҳқончилиги»ни кўздан кечиряптилар.

Муаллиф олган сурат.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўрибосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
ЎзССР